



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «11» март

№ ПҚ-92

### Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган йилда **965 минг нафар** нуроний бепул тиббий кўриқдан ўтказилди, **23 минг нафар** нуроний дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминланди, **21 мингдан ортиқ** нуронийлар санаторийларда соғломлаштирилди, **19 минг нафари** реабилитация техник воситалари билан таъминланди, **118 минг нафар** нуронийларга бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди, **221 нафар** иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва якка ёлғиз кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, **1 миллиондан ортиқ** нуронийлар учун мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди.

Нуронийлар ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиб, ўтказилган маданий маърифий тадбирлар натижасида **155 мингга яқин** профилактик ҳисобда турган ёшларнинг соғлом турмуш тарзига қайтишига, **22 мингдан ортиқ** оиласалар ажримининг олди олинишига ҳамда **3 мингдан ортиқ** нотинч оиласаларнинг яраштирилишига эришилди.

Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини юқори даражага кўтариш ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

**1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг (кейинги ўринларда – “Нуроний” жамғармаси) ташаббусига мувофиқ унинг фаолиятини жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**2. “Нуроний” жамғармаси ва кенг жамоатчиликнинг қўйидаги тақлифлари маъқуллансин:**

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг **Васийлик кенгашини 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этиш;**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларини тегишлича “Нуроний” жамғармаси бўлимлари **Васийлик кенгашлари раиси** этиб белгилаш;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг **кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчисини** “Кексалар маслаҳати” грухининг раиси этиб белгилаш;

“Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) бўлими раҳбарларига бир вақтнинг ўзида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг **маслаҳатчиси мақомини бериш.**

**3. Белгилансинки:**

**2023 йил 1 апрелдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятигининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан “Нуроний” жамғармасининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ давлат субсидиясини ажратиш тизими жорий этилади;

“Нуроний” жамғармасининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари тузилмалари **Васийлик кенгаши билан келишилган ҳолда унинг раиси томонидан тасдиқланади.**

**4. “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга бўлган замонавий фикрлайдиган фаол нуронийларга бириктирилиши белгилансин.** Бунда:

маҳаллалардаги ёшлар етакчилари “Кексалар маслаҳати” грухлари билан биргаликда шакллантирилган рўйхатлар асосида **ўн нафар ўюшмаган ва муаммоли ёшлар нуронийларга бириктириб чиқилади;**

бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги **барча таълим муассасаларига бириктирилади.**

**5. “Нуроний ҳар бир оиласга масъул” лойиҳаси** асосида оиласалардаги аҳиллик, тинчлик ва осойишталикини таъминлаш мақсадида **муаммоли оиласарнинг ҳар бирига “Кексалар маслаҳати” грухларининг бир нафардан аъзолари бириктирилади.**

“Нуроний” жамғармаси (С. Турдиев) Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари қарорига биноан “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили ҳамда “Нуроний ҳар бир оилага масъул” лойиҳаси асосида **фаолият олиб борган ва ижобий натижаларга эришган нуронийларни “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб бориш тизимини жорий этсин.**

Белгилансинки, маҳаллаларда фаолият юритаётган “Кексалар маслаҳати” гурухлари раҳбарлари “Нуроний” жамғармаси ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида рағбатлантириб борилади.

**6.** Нуронийлар жамоатчилик кенгаши ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг қўйидагилар устидан **жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан боғлиқ ташаббусларига розилик берилсин:**

нуронийларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари, Давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши;

аҳолининг ижтимоий соҳадаги муаммолари, жумладан **озиқ-овқат ва дори-дармон нархларининг сунъий оширилиши ҳамда мактаблардаги ўқувчилар давомати, тадбиркорлик фаолияти, бандлик, томорқадан фойдаланиш ва бошқа йўналишлардаги муаммоларининг ҳал этилиши;**

**“Яшил макон” үмуммиллий лойиҳаси** асосида олиб борилаётган ишлар;

мактабгача ва мактаб таълими тизими муассасаларида **“Иккита тил ва бир касб” тамойили асосида олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги.**

**7.** “Нуроний” жамғармасининг Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар билан ҳамкорлиқда қўйидаги тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

**а)** фахрий нуронийлар, ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар ўртасида **“Уч авлод учрашуви” тадбирларини ташкил этиш.**

**б)** касб-хунарга эга бўлмаган, ишсиз ва уюшмаган ёшлар билан юқори натижаларга эришган спортчилар, фан олимпиадалари ғолиблари, шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаган ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда **паралимпия спорт мусобақалари совриндорлари ўртасида “Матонат ва жасорат” тадбирлари ўtkазиб борилади.**

Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўз матонати билан эришаётган ютуқлари, жамиятдаги ўрни ҳамда ибратли ҳаётини ёшларга ўrnak қилиб кўrsatiш назарда тутилади.

8. Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. “Нуроний” жамғармасининг Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджет маблағлари ҳисобига олинган мол-мulkни жалб этмаган ҳолда қонунчиликка мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш борасидаги ташаббуси маъқуллансин.

Бунда, “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Нуроний-сайёҳ” МЧЖга 2 та автобус кексаларни диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун сотиб олиб берилгани инобатга олинсин.

10. “Нуроний” жамғармаси Республика Башқаруви раиси ва унинг ўринbosарларига вазир ва унинг ўринbosарлари учун назарда тутилган тиббий хизмат кўrsatiш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 11 мартағи ПҚ-92-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
“Нуроний” жамғармасининг фаолиятини жадаллаштириш борасидаги  
устувор йўналишлари**

- а)** ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик, шукроналик, меҳнатсеварлик, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини жорий этиш орқали нуронийларнинг катта ҳаётий тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;
- б)** вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотлардаги Фахрийлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- в)** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, уруш орти меҳнат фахрийлари ва ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган якка-ёлғиз нуронийлар ҳамда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган кексалар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ва ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлашда кўмаклашиш;
- г)** нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида “Нуронийлар маскани” мажмуналарида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;
- д)** кексаларга тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитларни яратиб бориш;
- е)** фуқаролар йиғинлари раисларининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- ж)** тадбиркорликка ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилган бой ҳаётий ва касбий малакага эга бўлган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 11 мартағи ПҚ-92-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
“Нуроний” жамғармасининг Васийлик кенгаши  
ТАРКИБИ**

- |                                         |                                                                                                     |
|-----------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Арипов Абдулла<br>Нигматович         | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири,<br><i>Кенгаш раиси</i>                                          |
| 2. Турдиев Содикжон                     | “Нуроний” жамғармаси Республика<br>Бошқаруви раиси, <i>Кенгаш раисининг<br/>ўринбосари</i>          |
| 3. Мусаев Беҳзод<br>Анварович           | камбағалликни қисқартириш ва бандлик<br>вазири                                                      |
| 4. Иноятов Амрилло<br>Шодиевич          | соғлиқни сақлаш вазири                                                                              |
| 5. Назарбеков Озодбек<br>Ахматович      | маданият ва туризм вазири                                                                           |
| 6. Умарова Хилола<br>Үктамовна          | мактабгача ва мактаб таълими вазири                                                                 |
| 7. Рафиков Құдратулла<br>Мирсагатович   | Ўзбекистон касаба уюшмалари<br>Федерацияси раиси                                                    |
| 8. Саъдуллаев Алишер<br>Зафар ўғли      | ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг<br>биринчи ўринбосари                                             |
| 9. Холмуродов Рустам<br>Ибрагимович     | Самарқанд давлат университети<br>ректори                                                            |
| 10. Абдурахмонов Қаландар<br>Ходжаевич  | Г.В.Плексанов номидаги Россия иқтисодиёт<br>университетининг Тошкент шаҳридаги<br>филиали директори |
| 11. Инамова Светлана<br>Турсунходжаевна | “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди<br>Бошқаруви раиси                                         |
| 12. Мурадов Талъат<br>Пардаевич         | Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий<br>ва ногиронлари бирлашмаси раиси                               |
| 13. Мельникова Галина<br>Витальевна     | Ўзбекистон халқ артисти                                                                             |
| 14. Таджиев Амин<br>Хамраевич           | Меҳнат фахрийси                                                                                     |

- |                                       |                                                                              |
|---------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 15. Ахунов Ўқтам Набиевич             | “Нуроний” жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси                            |
| 16. Хусенов Самойдин Қосимович        | “Нуроний” жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси                             |
| 17. Нушаров Норқул Бозарбоевич        | “Нуроний” жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси                             |
| 18. Иноятов Январ Пулатович           | Қашқадарё вилояти ҳокимининг фахрийлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси       |
| 19. Санакулов Кувандик                | “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бош директори         |
| 20. Нажмиддинов Икромхон Хошимхонович | “Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси                           |
| 21. Ахмедов Абдукарим Абдурахмонович  | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси |
| 22. Абдиев Ўтбосар Рустамович         | “Нуроний” жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси                            |
| 23. Носиров Абдусамад                 | Меҳнат фахрийси                                                              |
| 24. Раҳманов Закиржон                 | “Нуроний” жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси                            |
| 25. Вапаев Амин                       | Меҳнат фахрийси                                                              |
| 26. Каланов Рустам Абдуҳакимович      | “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси                              |
| 27. Мухитдинова Мукаррам Ишановна     | Меҳнат фахрийси                                                              |
| 28. Салимов Оқил Умрзоқович           | “Улуғбек” фонди раиси                                                        |
| 29. Ҳожиматов Минҳожиддин             | Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари                             |
| 30. Тураев Азиз Аппақович             | Меҳнат фахрийси                                                              |

*Изоҳ. Васийлик кенгаши раисига кенгаш таркибига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.*

**Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини  
оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси**

T/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ёшлар тарбиясида нуронийларнинг ролини ошириш</b>				
1.	Нуроний ва фахрийлар, айниқса, ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексаларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш.	1. Нуроний ва фахрийларнинг, айниқса, ўзгалар парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексаларнинг муаммоларини маҳаллабай мунтазам ўрганиб бориш; 2. Аниқланган муаммоларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ҳал этиш чораларини кўриш.	2023 йил март  Йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, туман (шаҳар) ҳокимликлари
2.	“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган кексалар ва нуронийлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уруш орти меҳнат фахрийлари ҳолидан мунтазам хабар олиш.	1. Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ нуронийларнинг маҳаллалар бўйича рўйхатини шакллантириш; 2. Рўйхат асосида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ нуронийларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларга кўмаклашиш.	2023 йил апрель  Йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, туман (шаҳар) ҳокимликлари
3.	Ҳар ойда камида 60 нафардан кам бўлмаган кўришда нуқсони бўлган ногиронлиги бўлган нуронийларни сиҳатгоҳларда соғломлаштирилишини ташкил қилиш.	1. Кўришда нуқсони учун ногиронлиги бўлган нуронийларни рўйхатини шакллантириш; 2. Кўришда нуқсони учун ногиронлиги бўлган шахслар дам олишлари учун мўлжалланган сиҳатгоҳлар билан шартнома тузиш;	2023 йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти

		3. "Нуроний" жамғармаси ҳисобидан кўришда нуқсони бўлган нуронийларга йўлланмалар сотиб олиб бериш.		
4.	Ҳар бир ҳудуддан 6 нафардан карсоқов нуронийларни ёки уруш ва меҳнат фахрийларини "Нуроний" жамғармаси маблағлари ҳисобидан сиҳатгоҳларда соғломлаштириш.	1. Сиҳатгоҳда дам олиш истагида бўлган карсоқов нуронийларни ёки уруш ва меҳнат фахрийларини рўйхатини шакллантириш; 2. Сиҳатгоҳ маъмурияти билан шартномалар тузиш; 3. Режа асосида соғломлаштиришни ташкил этиш.	2023 йил давомида	"Нуроний" жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон карлар жамияти
5.	Ҳар ойда камида бир маротаба ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган якка ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларнинг ҳолидан хабар олиш.	1. Ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларнинг рўйхатини шакллантириш; 2. Ҳар ойда ўзгаларнинг парваришига муҳтоҷ бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексаларни ҳолидан хабар олиш; 3. Нуронийлар иштирокида ҳашарлар уюштириб, маҳалла ва қабристонларни обод қилиш; 4. Ёшлардан иборат волонтёrlар групчлари томонидан якка ёлғиз, ҳимояга муҳтоҷ нуронийлар хонадонларини, томорқаларини тартибга келтириш мақсадида ёшлар ҳашарларини ташкил этиш.	2023 йил март Йил давомида	"Нуроний" жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
6.	Нуронийларнинг саёҳатларини ташкил этиш.	1. Республикаиздаги диққатга сазовор жойларнинг, тарихий шаҳарлар, қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ва юртимизнинг	2023 йил март	"Нуроний" жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва

		<p>сўлим гўшаларининг рўйхатини шакллантириш;</p> <p>2. Фаол нуронийларни, ёлғиз ва якка ёлғиз яшайдиган кексаларни диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳлар ва юртимизнинг сўлим гўшаларига саёҳатини ташкил этиш</p>	Йил давомида	бандлик вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги
7.	Ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун ўрнак бўладиган нуронийларнинг ҳаёт йўлларини ҳамда намуна бўладиган ёшларнинг фаолиятини ўзида ифода этувчи рисолалар, илмий-оммабом материаллар, мақолалар ва китоб, китоб-альбомлар тайёрлаш.	<p>1. Ҳозирда ҳаёт бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ибратли ҳаёти тўғрисида “Орамиздаги тирик афсоналар” номли китобни тайёрлаш.</p> <p>2. “Орамиздаги тирик афсоналар” номли китобни чоп этиш ва ёшлар орасида тарғибот мақсадида фойдаланиш ва тарқатиш;</p> <p>3. Замонамиз қаҳрамонлари фахрий педагоглар, тиббиёт ходимлари, олимлар ва фермерлар ҳамда фаол, иқтидорли ёшлар ҳақида рисолалар, илмий-оммабом материаллар, мақолалар ва китоблар яратиш.</p>	2023 йил апрель 2023 йил апрель	“Нуроний” жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
8.	Энг фаол нуронийларнинг ёшлар тарбиясидаги фаоллиги ҳамда фаолиятидаги натижалари бўйича уларни рағбатлантириб бориш мақсадида “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили уч босқичли (туман-вилоят-республика) “Бир нуроний ўн ёшга масъул” танловини ўтказиш ва ғолибларни	<p>1. “Бир нуроний ўн ёшга масъул” танловини туман (шаҳар)ларда туман босқичини ташкил этиш;</p> <p>2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тегишли туман (шаҳар)ларда ўтказилган танловлар ғолиблари ўртасида вилоят босқичини ўтказиш;</p>	2023 йил июль 2023 йил август	“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданият ва туризм

	тақдирлаш.	3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган танловлар ғолиблари ўртасида Республика босқичини ўтказиш.	2023 йил октябрь	вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари
9.	Маҳаллаларда ёшлар, шунингдек, уюшмаган, тарбияси оғир, муаммоли ёшлар ва кам таъминланган оиласалардаги ёшлар ўртасида, шунингдек ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар ўртасида кекса авлод вакиллари иштирокида “Уч авлод учрашуви” тадбирларини ўтказиш.  Кекса авлод вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида олимлар, ёзувчилар, соҳа мутахассислари ҳамда маънавият тарбиботчиларини жалб қилган ҳолда тарбиявий масалаларга бағишинланган амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш.	1. Эл ҳурматига сазовор бўлган, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган таниқли инсонлар, меҳнат фахрийлари ва нуронийлар рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг намунали ҳаёт йўллари тўғрисида маълумотлар тайёрлаш;  2. Уч авлод учрашувларини ўтказиш бўйича Намунали тартибини ишлаб чиқиш;  3. Тадбирларни юқори савиядга ўтказиш мақсадида тадбирларда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Эл-юрт ҳурмати ва бошқа давлат мукофотлари соҳиблари, атоқли ёзувчилар, шоирлар, таниқли санъаткор, олим ва зиёлилар, ҳудуддаги фаоллар, машҳур спортчилар, ҳунармандлар, фермерлар, йирик корхоналар раҳбарларининг иштирокини таъминлаш;  5. Учрашувни ўтказиш учун масъул этиб, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини биритириш;  6. Тадбирларни оммавий-ахборот воситаларида ёритиб бориш.	Йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

10.	<p>Нуронийлар масканлари ҳамда маҳалла гузарларида кекса нуронийлар ҳамда ёшлар иштирокида маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш</p>	<p>1. Ўтказиладиган маънавий-маърифий ва спорт тадбирларининг намунахий тартиби (сценарийси)ни ишлаб чиқиш; 2. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида нуронийлар ва ёшларнинг иштирокини таъминлаш; 3. Ўтказиладиган мусобақа режадвалини ишлаб чиқиш ва ўтказиш.</p>	2023 йил давомида	<p>“Нуроний” жамғармаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари</p>
11.	<p>Кексалар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида ёшлар учун ҳарбий – ватанпарварлик йўналишидаги “Ватан тинчлигига барчамиз масъул!”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Огоҳлик – давр талаби”, “Ватан тинчлиги – бебаҳо неъмат!”, “Ватанга хизмат – олий фазилат”, “Миллий армиямиз – буюк келажагимиз кафолати!” мавзуларида маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ташкил этиш.</p>	<p>1. Ҳар бир маҳалла кесимида тажрибали, зиёли ва ташаббускор кекса авлод вакиллари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Рўйхатга киритилган кексалар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида маҳалладаги ёшлар учун “Ватан тинчлигига барчамиз масъул!”, “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Огоҳлик – давр талаби”, “Ватан тинчлиги – бебаҳо неъмат!”, “Ватанга хизмат – олий фазилат”, “Миллий армиямиз – буюк келажагимиз кафолати!” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.</p>	2023 йил март	<p>“Нуроний” жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p>
12.	<p>Ёшларни миллий урф-одат ва қадрият-ларга, жумладан, оила қадрияларига содик ҳолда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш ҳамда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний</p>	<p>1. Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда диний-маърифий муҳитни янада соғломлаштириш долзарб аҳамиятга эга бўлган вилоятлар кесимида маҳаллалар рўйхатини шакллантириш; 2. Маҳаллаларда маънавий-ахлоқий жиҳатдан муаммоли, нотинч, ноқобил оиласалар ҳамда жиноятчиликка мойил</p>	<p>2023 йил март-апрель</p> <p>Режа асосида йил давомида</p>	<p>“Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази,</p>

	<p>қадриятлардан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик, диний мутаассибликни олдини олиш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида тарихчи ва диншунос олимлар, соҳа мутахассислари, имом-хатиблар ва отинойилар иштирокида маърифий тадбирлар ташкил этиб бориш</p>	<p>бўлган, профилактик рўйхатда туродиганлар билан суҳбатлар ўtkазиш.</p>		<p>Дин ишлари бўйича қўмита</p>
13.	<p>Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” групчалиги билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида, айниқса, ёшларни кенг жалб этган ҳолда “Саломатлик учун 5 минг қадам” тадбирларини ўtkазиб бориш</p>	<p>1. “Саломатлик учун 5 минг қадам” тадбирларига тайёргарлик кўриш 2. “Кексалар маслаҳати” групчалиги билан ҳамкорликда тадбирни ташкил этиш. 3. Фуқаролар йиғинларида тушунтириштарғибот ишларини ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил апрель Йил давомида</p>	<p>“Нуроний” жамғармаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p>
14.	<p>Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳамда таълим муассасаларидаги фаол ёшлар, шунингдек, уюшмаган, тарбияси оғир ёшлар ҳамда кам таъминланган оиласардаги ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларда ватанпарварлик ва шукроналиқ туйғуларини кучайтириш мақсадида миллий кинофильмлар (шу жумладан, “Ватан”, “Илҳақ”, “Элпарвар”, “Ибрат”, “Мерос”, “101”, “Ҳаёт”, “Жасур”, “Алданган аёл” кабилар) намойишини имтиёзли равища ташкиллаштириш.</p>	<p>1. Тадбир графикларини ишлаб чиқиш ва маҳаллаларга бириктирган масъулларга ҳамда фуқаролар йиғинлари раисларига етказиш. 2. Тадбирлар ҳақидаги эълонларни маҳаллаларда ҳамма танишиб чиқишилари қулай бўлган жойларга илиб қўйиш ҳамда кўчабоши (кўп қаватли уйлар бошлиқ)ларини хабардор қилиш. 3. Кинофильмлар намойишини киноклублар орқали кўчма равища, кинотеатлар, маданият уйлари, истироҳат боғларида намойишини ташкил этиш.</p>	<p>2023 йил март  Режа асосида йил давомида</p>	<p>“Нуроний” жамғармаси, Кинематография агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги</p>

15.	Маҳалла нуронийлари ва ёшлари ўртасида “Маҳалламиз спортчи нуронийлари ва ёшлари” шиори остида спорт мусобақалари ташкил этиш	1. Маҳаллаларда спорт мусобақалари ўтказиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш; 2. Режа-жадвал асосида барча маҳаллаларда нуронийлар ва ёшлар ўртасида шахмат-шашка, қўл тенниси бўйича спорт мусобақалари ташкил қилиш; 3. Мусобақа ғолиблари ва иштирокчиларини муносиб тақдирлаш; 4. Мусобақаларда ўз иқтидорини намоён қила олган ёш иштирокчиларни профессионал спорт мураббийларига бириктириш.	2023 йил февраль	“Нуроний” жамғармаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Кураш Федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳар) ҳокимликлари
16.	Спорт соҳасида республика ва халқаро майдонларда ғолибликни қўлга киритган фахрий чемпионлар, спортчи-полвонлар иштирокида маҳаллаларда ёшлар учун “Унтилмас чемпионлар”, “Фахрий полвонлар” мавзуларида учрашувлар ҳамда спорт мусобақаларни ташкил этиш.	1. Спорт соҳасида республика ва халқаро майдонларда ғолибликни қўлга киритган фахрий чемпионлар ва спортчи-полвонларнинг рўйхатини “маҳаллабай” шакллантириш ҳамда учрашувлар ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқиш; 2. Режа-жадвал асосида барча маҳаллаларда ёшлар учун “Унтилмас чемпионлар”, “Фахрий полвонлар” мавзуларида учрашувлар ҳамда спорт мусобақаларини ташкил этиш.	2023 йил март  Режа асосида йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
17.	“Ўз болангни ўзинг асрар!” шиори остида “Маҳаллада боланинг бегонаси бўлмайди” мавзусида ҳуқуқшунослар, ички ишлар ва прокуратура ходимлари, соҳа мутахассислари, психологлар, таниқли спортчилар ва ёшлар иштирокида ёшлар ва ўсмирлар	1. Тадбир режасини ишлаб чиқиш; 2. Тадбирда иштирок этиш учун тажрибали ҳуқуқшунос, психолог, ички ишлар ва прокуратура ходимлари, фаол ёшлар ва таниқли спортчилар рўйхатини шакллантириш; 3. Тадбирни ОАВда ёритиш.	Режа асосида йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги

ўртасида содир этилаётган жиноятчиликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий салоҳиятини оширишга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш.			
<p style="text-align: center;"><b>II. Таълим муассасаларида ёшларнинг етарли билим олишларини таъминлаш масалаларида нуронийлар иштироки ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш</b></p>			
18. Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ва маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гурӯҳлари аъзолари ва фаол нуронийларни ҳудуддаги таълим муассасаларига бириктириш.	<p>1. Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ва маҳаллалардаги “Кексалар маслаҳати” гурӯҳлари аъзолари ва бошқа фаол нуронийлар рўйхатини “маҳаллабай” шакллантириш;</p> <p>2. Шакллантирилган рўйхат асосида фаол нуронийларни ҳудуддаги олий таълим муассасаларига бириктириш;</p> <p>3. Бириктирилган нуронийлар томонидан ҳудудлардаги таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш. Бунда, қўйидагиларга эътибор қаратиш:</p> <p>талаба ва ўқувчилар давомати;</p> <p>тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш (улар билан суҳбатлар ўтказиб бориш);</p> <p>мунтазам дарс қолдираётган ва тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш, тўгаракларга жалб қилиш.</p> <p>таълим муассасаси ҳудудини ободонлаштириш ва “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш ишларини назоратга олиш;</p> <p>умумтаълим мактабларида ҳар ойнинг</p>	2023 йил апрель	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси

		пайшанба күнлари “Нуронийлар тарбиявий соатлари”ни ўтказиб бориш.			
19.	Ёшлар ўртасида китобхонлик күннекасини йўналтирилган маънавий-маънавий тадбирларда, нуронийларнинг таъминлаш	кучайтиришга маънавий-маънавий танловларда иштирокини	1. Китобхонлик тадбирлари доирасида маҳаллаларда нашриётлар билан ҳамкорлиқда китоблар кўргазмаси ва тақдимотини ташкил этиш; 2. Таълим мұассасаларида Беш ташаббус доирасида ёшларни китобга мұхабbat, китоб мутоласига қизиқишини кучайтириш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, танловлар, викториналар ташкил этиш.	2023 йил 1-чорак  2-чорак Ҳар ойда	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, “Нуроний” жамғармаси
20.	Худудлардаги ҳарбий қисмларда ёшларда, айниқса уюшмаган ёшларда ватанпарварлик ва шукроналиқ туйғуларини кучайтириш мақсадида “Ватан ҳимояси - муқаддас бурҷ” шиори остида “Очиқ эшиклар куни” тадбирларини ташкил этиш.		1. Ҳарбий қисмлар билан ҳамкорлиқда “Очиқ эшиклар куни”ни ўтказиш бўйича режа-график ишлаб чиқиши; 2. Режа-графикда ёшларни ҳарбий қисмнинг кундалик фаолияти билан танишиши, уларнинг ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишилари ва ҳарбий техникаларни томоша қилиб, ўзлари ҳам саф тайёргарлиги, қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, жисмоний тайёргарлик машғулотларини бажариб кўришларини, шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишларини таъминлаш; 3. Ишлаб чиқилган режа-график асосида Худудлардаги ҳарбий қисмлар атрофида жойлашган маҳаллалар ёшлари, жумладан,	Режа асосида	Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси

		уюшмаган ёшларда ватанпарварлик ва шукроналиқ түйғуларини кучайтириш мақсадида ҳарбий қисмларда “Ватан ҳимояси - муқаддас бурч” шиори остида “Очиқ эшиклар куни” тадбирларини ташкил этиш.		
21.	Нуронийлар томонидан “Хунари бор кишини иши унар” ғояси асосида уста ҳунармандларга ишсиз ёшларни бириктириш орқали касб-хунар ўргатиш ҳамда “устоз-шогирд” анъянасининг янги тизимини жорий этиш.	1. Ҳудудларда истиқомат қилаётган кекса ёшдаги уста ҳунармандлар рўйхатини “маҳаллабай” шакллантириш; 2. Шакллантирилган рўйхат асосида уста ҳунармандларга ишсиз ёшларни бириктириш; 3. Кекса ҳунармандлар уйларида ташкил этилган устахоналарда ёшлар учун тўгараклар ишини йўлга қўйиш.	2023 йил март	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, “Ҳунарманд” уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси
22.	Уюшмаган ёшлар, айниқса тарбияси оғир бўлган ва кам таъминланган оиласлардаги ёшлар ўртасида кексалар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида буюк аждодларимиз (Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Ибн Сино, Беруний кабилар)нинг бой меросини ёритиб берувчи маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш	1. Ҳар бир маҳалла кесимида тажрибали, зиёли ва ташаббускор кекса авлод вакиллари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Рўйхатга киритилган кексалар ва ҳарбий хизматчилар билан ўз маҳаллаларида буюк аждодларимизнинг бой меросини ёритиб берувчи тадбирларни ўтказиб бориш.	2023 йил I чораги	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси

23.	Оилавий ажримларнинг олдини олишда нуронийлар фаоллиги ва позициясини кучайтириш.	<p>1. Фаол нуронийлар томонидан ажрим ёқасига келиб қолган оилалар, айниқса ёш оилалар билан ишлаш механизмини кучайтириш;</p> <p>2. Ажрим ёқасида турган, нотинч оилалар ёшлари билан сұхбатлар олиб бориш, ибратли оилалар билан яқынлаштириш мақсадида “Маҳалланинг энг ибратли оиласи”, “Энг чаққон келин” каби танловлар ташкил этиш;</p> <p>3. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг норозилик ва ношукурчилик кайфиятини йүқотиши, уларни ҳәётидан мамнун ҳолда яшаши учун ОАВда фаол нуронийларнинг таъсирли маърузалари ва чиқишлигини ташкиллаштириш.</p>	2023 йил мунтазам	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси
-----	-----------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------	----------------------------------------------------------------------

### III. “Нуроний” жамғармаси фаолиятини құллаб-құвватлаш

24.	“Нуроний” жамғармасининг раиси ўринbosарлари ўртасида вазифа ва функцияларини тақсимлаш, марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларининг тузилмалари ҳамда штат бирликларини тасдиқлаш	“Нуроний” жамғармасининг ташкилий тузилмаси ва штат бирликларини тасдиқлаш бўйича Васийлик кенгашига киритиш.	2023 йил апрель	“Нуроний” жамғармаси
25.	“Нуроний” жамғармасининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларининг моддий-техник мустаҳкамлаш базасини	<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарлардаги Нуронийлар масканларини тўлиқ хатловдан ўтказиш;</p> <p>2. Вазирлик ва идоралар балансида бўлган Нуронийлар масканларининг бино ва бошқа асосий воситаларини “Нуроний” жамғармасининг тегишли бўлимлари</p>	<p>2023 йил март</p> <p>2023 йил апрель</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлеклари,</p> <p>Кадастр агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги,</p>

	<p>балансига ўтказиш;</p> <p>3. Таъмирталаб Нуронийлар масканларини ҳомийлар маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан таъмирлаш ишларини амалга ошириш;</p> <p>4. Нуронийлар масканлари барпо этилмаган туман (шаҳар)ларда янги масканларни барпо этилишини якунлаш ва уларни жиҳозлаш;</p> <p>5. “Нуроний” жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларининг фаолият юритишлари учун Нуронийлар масканлари бўлмаган туман ва шаҳарларда масканлар барпо этилгунга қадар зарур шароитлари мавжуд бўлган жой билан таъминлаш;</p> <p>6. “Нуроний” жамғармаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш бўйича чоратадбирларини белгилаш.</p>	2023 йил сентябрь 2023 йил сентябрь 2023 йил апрель-май	“Нуроний” жамғармаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари	
26.	“Нуроний” жамғармаси қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш	1. “Нуроний” жамғармаси қошида ташкил этилган: ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, дехқончилик, чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик тузилмаларига: янги ишчи ўринларини яратиш, хом ашё билан таъминланиш, иш ҳажмини кенгайтириш ишларига кўмаклашиш;	2023 йил давомида	“Нуроний” жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

		<p>2. “Нуроний” жамғармаси маблағларидан жамғарма қошида ташкил этилган тадбиркорлик тузилмалариға шартнома асосида қайтариб бериш шарти билан бериладиган маблағлар ҳисобидан олинган маҳсулотларни “Нуроний” жамғармаси томонидан ижтимоий ҳимояяга муҳтож, кам таъминланган нуронийларни қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш.</p>		
<b>Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир бошқа чора-тадбирлар</b>				
27.	Маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларнинг иштирокини кенгайтириш.	<p>1. Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари ва “Кексалар маслаҳати” гурухлари томонидан маҳаллалардаги мавжуд муаммолар бўйича маълумотномалар тайёрлаш;</p> <p>2. Тайёрланган маълумотномаларни Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ечимлари бўйича тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ахборотларини эшлиши учун тақдим этиб бориш.</p>	Доимий	Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари, “Кексалар маслаҳати” гурухлари, Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари (келишувга кўра)
28.	Кекса авлод вакилларининг соғлиғини сақлаш бўйича тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш.	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий ходимларни малакасини ошириш Марказида геронтология ва гериатрия соҳасида фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотларни амалга ошириш кафедрасини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси асослантирилган таклиф киритиш.	2023 йил 10 май	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Нуроний” жамғармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
29.	“Нуроний” жамғармаси фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш.	“Нуроний” жамғармаси фаолияти босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи	Доимий	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий

	орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг кўламда ёритиб бориш.		телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
30.	Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш.	Қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил 20 апрель “Нуроний” жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар

